



Тошкент ш.

2020 йил «10» март

Банк Кенгаши томонидан 2020 йил 31 январда (2020/02-сонли баённома) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2020 йил 31 январь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисида хабар “Тошкент” РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали, банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилди, шу билан бирга мазкур хабар мамлакатимизнинг “Биржа” иқтисодий рўзномасининг жорий йил 6 февралдаги 13-сониди, “Халқ Сўзи” 2020 йил 7 февралдаги 28-сониди чоп этилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддасига ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2020 йил 4 март деб белгиланди.

2020 йил 4 март ҳолатига Банкнинг Устав капитали 4 634 513 904 398 (*тўрт триллион олти юз ўттиз тўрт миллиард беш юз ўн уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз*) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4 627 483 904 398 (*тўрт триллион олти юз йигирма етти миллиард тўрт юз саксон уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий қиймати 7 030 000 000 (*етти миллиард ўттиз миллион*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 370 000 000 (*уч юз етмиш миллион*) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Саноқ комиссияси раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 231.386.666.367 (*икки юз ўттиз бир миллиард уч юз саксон олти миллион олти юз олтмиш олти минг уч юз олтмиш етти*) дона ёки 95,49 фоизига эгалик қилувчи 2 (*икки*) нафар акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши айрим аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.
2. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши таркибида ваколати тугатилган аъзоларни ўрнига янги аъзоларни сайлаш.
3. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низомни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
4. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
5. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларининг максимал (предел) мукофот ва (ёки) компенсация харажатлар миқдорини белгилаш тўғрисида.
6. Банкнинг аффилланган шахси билан тузиладиган йирик битимни тасдиқлаш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4487 қарорига мувофиқ “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ кредит портфелидан 11,9 трлн.сўмлик кредитларни Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказиб бериш бўйича битимни тасдиқлаш масаласи

Кун тартибидаги биринчи масала, Банк Кенгашига аъзо қилиб сайланган А.Ақромов 2019 йил 16 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғи лавозимига қабул қилиниши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги” қонунининг 25-моддаси талабларига мувофиқ ва ўз аризасига кўра Кенгаш аъзоси сифатида ваколати муддатидан олдин тўхтатилганлигини маълум қилинди.

Кун тартибидаги иккинчи масала, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йирик акциядор сифатида Банк Кенгаши таркибида ваколати

тугатишган аъзо - А.Акрамов ўрнига мустақил аъзо қилиб сайлаш учун хорижий мутахассис Фердинанд Виллем Туинстра (FERDINAND WILLEM TUINSTRА (Utrecht, The Netherlands) номзодини таклиф берди. Банк Кенгаши томонидан таклиф маъқулланди ва Кенгаш таркибига мустақил аъзо қилиб сайлаш учун банк акциядорлари умумий йиғилишига тавсия қилинмоқда.

Кун тартибидаги учинчи масала, 2019 йил 28 июнда бўлиб ўтган акциядорлар умумий йиғилишида “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низоми янги таҳрирда тасдиқланган бўлсада, уша йилнинг ноябрь ойида банк фаолиятига тегишли катта аҳамиятга эга бўлган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тўғрисида” қонунларнинг янги таҳрири қабул қилинганлиги муносабати билан, шунингдек “International Finance Corporation” (“IFC”) компаниясининг консультантлари ҳамкорлигида Банкда трансформация жараёнлари натижасида Банк Кенгаши таркибида қўшимча янги ташкил этилган қўмиталар ва Кенгашга сайланадиган мустақил аъзоларга қўйиладиган талабларни ёритиб берадиган моддалар ушбу низом матнига киритилиб, замонавий қонунчилик ва амалиёт муҳитига мослаштирилганини маълум қилди. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низоми янги таҳрирда тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала, 2019 йил ноябрь ойида банк фаолиятига тегишли катта аҳамиятга эга бўлган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тўғрисида” қонунларнинг янги таҳрири қабул қилинганлиги муносабати билан, шунингдек “International Finance Corporation” (“IFC”) компаниясининг консультантлари ҳамкорлигида Банкда трансформация жараёнларининг самарали кечиши Банкнинг бир қатор ички меъёрий ҳужжатларнинг замонавий қонунчилик ва амалиёт муҳитига мослаштиришни таказо этди. Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига чиқарилган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки устави (янги таҳрирда) тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг (кейинги ўринларда - Қонун) 7-боб, 74-моддасига кўра “Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрнини қоплаши мумкин. Шунинг учун Банк

Кенгаши таркибига мустақил аъзо этиб сайланадиган мутахассисга Банк акциядорларининг Умумий йиғилиш томонидан унга йил давомида тўланадиган мукофот ва компенсация пулининг максимал (предельная) миқдорини белгилаш учун қарор қабул қилишни таказо этади.

Банк Кенгаши томонидан “International Finance Corporation” (“IFC”) компания ва бошқа хорижий маслахатчилари тавсияларига кўра чет элдаги компанияларининг корпоратив бошқарув соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган бир нечта мутахассислари томонидан берилган таклифлари кўриб чиқилди. Таклиф ва талабдан келиб чиқиб, Кенгаш таркибига янги сайланадиган ҳар бир мустақил аъзога йиллик тўланадиган мукофот суммасининг максимал (предельная) миқдорини ва жами компенсация (давлатлараро келиб-кетиш транспорт ҳамда меҳмонхона) харажатларини белгилаш тўғрисида Банк Кенгашининг тавсияси Банк акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига киритилишини маълум қилди.

Кун тартибидаги отинчи масала, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4487-сонли “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг *(кейинги ўринларда Қарор)* 3 бандида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси *(кейинги ўринларда ЎзТТЖ)* манфаатли тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда тижорат банклари томонидан қайта молиялаштирилган кредитларни Қарорнинг 1 ва 1а(махфий) иловаларга мувофиқ рўйхат бўйича қарз олувчиларнинг ЎзТТЖ олдидаги тўғридан-тўғри мажбуриятлари этиб қайта расмийлаштириш белгиланган.

2019 йил 06 декабрь ҳолатига банк жами активлари 57,3 трлн.сўмни, жами мажбуриятлари 51,1 трлн.сўмни ташкил қилади. ЎзТТЖ билан тузилган ва Қарорга асосан қайта расмийлаштириладиган бир нечта шартномалар йиғиндиси 11,9 трлн.сўм (1 249,1 млн. АҚШ доллар) эквивалентини ташкил қилиб, банк соф активларининг 192 фоизини ташкил этади.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, ушбу шартномалар суммаси банкнинг соф активларининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги таъкидлаб утилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига асосан кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш

натижалари ва овоз бериш яқунларини ҳисобга олган ҳолда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банк Кенгаши аъзоси А.Акрамовни 2019 йил 16 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғи лавозимига қабул қилиниши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги” қонунининг 25-моддаси талабларига мувофиқ Кенгаш аъзоси сифатида ваколати муддатидан олдин тўхтатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.386.666.367 овоз

“ёқлайман” – 231.386.666.367, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

2. Банк Кенгаши таркибида ваколати тугатилган аъзо - А.Акрамов ўрнига мустақил аъзоси Фердинанд Виллем Туинстра (FERDINAND WILLEM TUINSTRA (Utrecht, The Netherlands)) сайлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.386.666.367 овоз

“ёқлайман” – 231.386.666.367, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

3. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги Низоми (янги таҳрирда) тасдиқлансин. 2019 йил 28 июндаги Банк акциядорлари Умумий йиғилишининг 01/2019-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Кенгаш тўғрисидаги Низом” бекор этилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.386.666.367 овоз

“ёқлайман” – 231.386.666.367, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

4. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банкининг устави (янги таҳрирда) тасдиқлансин. 2018 йил 20 июндаги Банк акциядорлари Умумий йиғилишининг 37-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банкининг устави бекор этилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.386.666.367 овоз

ёқлайман” – 231.386.666.367 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

5. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши таркибига янги сайланадиган ҳар бир мустақил аъзога йиллик мукофотнинг максимал (предел) миқдори ва жами компенсация харажатлари (давлатлараро транспорт ва меҳмонхона) Банк Кенгашининг тавсиясида (илова 3) берилган миқдорида белгилансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 231.386.666.367 овоз

ёқлайман” – 231.386.666.367 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

6. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ аффилиланган шахслар ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг вакили битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслиги учун – “Банкнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган йирик битимни тасдиқлаш” юзасидан қарор қабул қилаётганда овоз беришда иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4487 қарорига мувофиқ “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ кредит портфелидан 11,9 трлн.сўмлик кредитларни (иловага мувофиқ) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказиб бериш бўйича Банк ва у билан аффилиланган шахс ўртасида йирик битим тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 31.146.562.801 овоз

ёқлайман” – 31.146.562.801 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Акциядорлари умумий йиғилиши Раиси:

**Акциядорлар умумий йиғилиши
котибияти:**



Ш.Вафаев

З.Баймурадова

А.Визер



Корпоратив маслахатчи

К. Алимов

**Корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи**

Д. Абдукадиров